

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА
ТАРАФЛАР ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҲОЛАТЛАР
БЎЙИЧА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ
АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

Худойбердиев Шамил Джоҳонгирович

Тошкент вилояти юридик техникуми ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилигида тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ва тартиби хақида езилган.

Калит сўзлар: қонунлар, шартнома, шартнома, шартнома.

Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар – бу ходим ва иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилишга бўлган хоҳиш-иродасини истисно қилувчи ва маълум бир юридик фактнинг мавжуд бўлишини тақозо қилувчи ҳолатлардир.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности норматив ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат шартномасини тузишда қўлланиладиган қоидаларга риоя қилинмасдан иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат шартномасини тузилиши ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиш ҳисобланади.

Айрим олимларнинг фикрича, меҳнат шартномасини бекор қилишда белгиланган норманинг ўзигина асос бўла олмайди. Бунда ишдан бўшатиш асоси сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжат эмас, ташкилот мансабдор шахсининг ёки давлат органининг ҳуқуқни қўлловчи ҳужжати тан олинади.

Бир томондан ушбу фикрга қўшилса бўлади, чунки шартнома шартномасини бекор қилиш учун асос дейилганда албатта, қандайдир далил ёки фактнинг мавжудлигигина етарли эмас, бунда ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор бўлганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжат бу – иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи ҳисобланади. Негаки, иш берувчи учун ходимни ишдан бўшатиш мажбурият эмас, бу унинг ҳуқуқидир (ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиққан ҳоллардагина мажбурият бўлиши мумкин).

Аммо, масаланинг шу тарафи ҳам борки, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат кодексида қатъий белгиланган бўлиб, иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буёруғининг асоссиз чиқарилиши меҳнат шартномасининг бекор қилинишига олиб келмайди. Бу жараёнда меҳнат қонунчилиги нормалари бузилган ҳисобланади.

Меҳнат қонунчилигида айрим юридик фактларнинг вужудга келиши меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиш асосларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиш мустақилликдан олдин меҳнат қонунчилигида мавжуд бўлмаган ва у янги институт ҳисобланади.

Шундай қилиб, меҳнат шартномасини қонуний тарзда бекор қилиш учун қуйидаги учта ҳолатнинг биргаликда мавжуд бўлиши талаб этилади:

биринчидан, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг қонунда мавжудлиги;

иккинчидан, ушбу асос билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибига риоя қилинганлиги;

учинчидан, меҳнат шартномасини бекор қилувчи юридик актнинг мавжудлиги.

Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг таркибий қисми сифатида тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 168-моддасида келтирилган бўлиб, унга биноан меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;

2) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда;

3) ходимни шартномага маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда;

4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган шартномани бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;

5) қонунчиликка мувофиқ меҳнатга оид муносабатларни давом эттиришга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги (ходимнинг белгиланган тартибда берилган шартнома хулосага мувофиқ меҳнат фаолиятига тўлиқ қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги, шунингдек давлат сирларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, агар бажарилаётган иш шундай фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилса, муайян ишни бажаришга доир рухсатномадан ёки лицензиядан маҳрум этилганлиги ва бошқалар);

6) ташкилотни тугатиш ёки иш берувчи бўлган якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини тугатиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги;

7) ходимни ишга тиклаш ҳақидаги суд қарори бекор қилинганлиги ёки

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг қарори бекор қилинганлиги (қонунга хилоф деб эътироф этилганлиги);

8) ходим вафот этганлиги, шунингдек суд томонидан ходимнинг бедарак йўқолган деб эътироф этилганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида доимий асосда ишлаган Сенат аъзосининг ваколатлари муддати тугаганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тарқатиб юборилганлиги муносабати билан аввалги лавозимига (ишига) қайтганлиги;

10) қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг юқорида кўрсатилган асосларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган шартнома фактларнинг мавжудлиги инобатга олинади. Шунингдек, айрим давлат органлари томонидан ўрнатилган бундай юридик фактлар ўз навбатида меҳнат-ҳуқуқий муносабатларни тугатилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси МК 168-моддасида назарда тутилган асосларни қўллаб меҳнат шартномасини бекор қилишда унда кўрсатилган ҳолатларнинг ҳақиқатда юзага келганлигини исботлаш талаб этилади, шу сабабдан, бунда бошқа ҳуқуқ соҳаси қонунчилик нормасини қўллашга зарурат туғилади.

Меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш учун бошқа ҳуқуқ соҳалари қонунчилик нормаларини қўллаш оқибатида ходим меҳнат муносабатларини давом эттириш имкониятини амалда йўқотади.

Бошқа ҳуқуқ соҳасининг бундай нормалари: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексиди, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексиди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексиди, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгалик тўғрисидаги кодексиди, Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 168-моддасида назарда тутилган асослар рўйхатини юқорида санаб ўтилган меҳнат шартномасини бекор қилиш сабабларини келтириб чиқарувчи юридик факт доирасига киритиб бўлмайди. Бу моддада, юқорида таъкидланганидек, меҳнат шартномаси тарафларининг меҳнат муносабатларини бекор қилиш ташаббуси мавжуд эмас. Аммо, бошқа юридик фактларнинг мавжудлиги, яъни ходимнинг ҳарбий хизматга учинчи шахслар

томонидан чақирилиши, учинчи шахснинг ишга тикланиши ва шу каби учинчи тарафнинг хоҳиш-иродаси ёки бирор бир ташқи вазиятнинг мавжуд бўлиши меҳнат шартномасини ходим ва иш берувчининг ташаббусисиз ҳам бекор қилинишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам 106-моддада келтирилган асослар тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар деб номланади.

Демак, тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар – бу ходим ва иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилишга бўлган хоҳиш-иродасини истисно қилувчи ва маълум бир юридик фактнинг мавжуд бўлишини тақозо қилувчи ҳолатлардир.

Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган асосларда меҳнат шартномасини бекор қилиш меҳнат шартномасини бекор қилишнинг бошқа асосларидан қуйидаги белгиларнинг мавжудлиги билан фарқланади:

биринчидан, тарафларнинг ташаббусига боғлиқликнинг йўқлиги. Шунинчидан, унутмаслик керакки, бунда иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси барибир ҳам мавжуд бўлади, яъни иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш учун буйруқ чиқармас экан, ходим ҳам меҳнат муносабатларини давом эттираверади. Бу ерда иш берувчининг ташаббускорлиги билан унинг ўз мажбуриятларини бажариш эркини фарқлаш лозим, чунки тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг юзага келиши иш берувчининг хоҳиш-иродасига қарамасдан, унда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш мажбуриятини вужудга келтиради;

иккинчидан, бошқа қонунчилик соҳалари билан алоқадор бўлиб, нормалар мувофиқлаштирилган тартибда қўлланилади, яъни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 168-моддасини қўллаш учун бошқа Қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мурожаат қилишга тўғри келади;

учинчидан, меҳнат муносабатларини тугатилиши ходимнинг ҳам иш берувчининг ҳам хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди. Бунда ходим фақат қонун доирасидагина меҳнат муносабатларини давом эттириш имконига эга бўлиши мумкин.

Айрим олимларнинг фикрича, меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш – бу учинчи шахсларнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдир.

Шундай қилиб, меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиш меҳнат шартномасини бекор қилишнинг таркибий қисми бўлиб, ушбу ҳолатларнинг мавжуд бўлиши ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутунлай тугашига сабаб бўлади ва келгусида ходим иш берувчи билан ўзаро меҳнат-ҳуқуқий муносабатларини тўхтатишга мажбур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида тарафлар ихтиёрига боғлиқ

бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари аниқ белгилаб кўйилган бўлсада, ушбу асосларни амалда қўллаш механизми мавжуд эмас. Яъни, қайси асос билан қандай тартибда ва қандай муддатларда меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинлиги ҳақида қоидалар белгиланмаган. Ҳатто, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам бу масалага ҳавола қилинган нормаларни кўрмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қабул қилингунига қадар мамлакатимизда амалда бўлган меҳнат қонунчилигида тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари алоҳида асос сифатида мавжуд бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 168-моддасида тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сифатида 9 та асос назарда тутилган бўлиб, уларнинг ҳар бири меҳнат шартномасини бекор қилишнинг алоҳида асоси сифатида хизмат қилади. Ушбу асосларнинг айримлари юридик факт бўлмиш ҳаракат ҳисобланса, қолганлари эса ҳодиса ҳисобланади.

Шундай қилиб, Меҳнат кодексининг 168-моддасида назарда тутилган асосларни шартли равишда 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Учинчи шахсларнинг талаби (ташаббуси) билан меҳнат шартномасини бекор қилиш (суд ёки ҳарбий хизматга чақирувчи органлар);
2. Маълум бир ҳодисаларнинг юзага келиши натижасида меҳнат шартномасини бекор қилиш (ходимнинг вафоти).

Шунингдек, ушбу асосларнинг ҳақиқатдан ҳам тарафлар ихтиёрига боғлиқ эмаслиги ва бевосита объектив ҳолатларни ўз ичига олиб тизимлаштирилганлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳозирги Меҳнат кодекси олдинги меҳнатга оид қонун ҳужжатларидан анча мукамал эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қабул қилингунига қадар ходимнинг ҳарбий хизматга чақирилиши меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий асосларидан бири бўлган. Ҳозирда эса ушбу ҳолат Меҳнат кодекси 168-моддасида назарда тутилган тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси ҳисобланади. Олдинги меҳнат қонунчилиги меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси сифатида ходимни ҳарбий хизматга чақирилиши ёки киришини назарда тутган бўлса, амалдаги қонунчилик эса фақат ходимни ҳарбий хизматга чақирилишинигина белгилаб қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни, 2003 йил 11 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муқобил хизматни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уни ўташи тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 128-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом, 2019 йил 12 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ–4447-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қонунда ҳарбий хизматга чақирилувчи тиббий кўрикдан ўтгандан кейин у ҳарбий хизматга чақирилиши ҳақида қоида белгиланган. Лекин, эътибор берадиган бўлсак, тиббий кўрикдан ўтиш учун ҳам фуқароларни “ҳарбий хизматга чақириш” атамасидан фойдаланилган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ходим ҳарбий хизматга чақирилади, шунда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади ва у тиббий кўрикдан ўтишга боради, лекин тиббий кўрик хулосасига кўра, у ҳарбий хизматга соғлиқ жиҳатидан лойиқ бўлмаса, яна уни ишга тиклаш масаласи кўрилиши керак бўладими деган савол туғилади

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномалари (контракт). Ўқув қўлланма. -Т. “Ўқитувчи”,1-2-томлар.1996 й. – 528 бет.
2. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. Масъул муҳаррир: проф. М.А.Усманова. –Т.: ТДЮУ нашриёти, 2019. – 521 бет.